Адл ила олам юзин обод қил!

# Куч – адолатда

2026 йил
14 август,
жума
№ 32-33
(1119)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***13 август куни Президент Шавкат Мирзиёева тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқотга тайёргарликнинг бориши юзасидан ахборот берилди.***

Мамлакатимизда анъанага айланган ушбу мулоқот тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни бевосита ўрганиш, уларга амалий ечим топиш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бўлажак олтинчи очиқ мулоқотга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 15 майдан бошлаб, 50 дан ортиқ вазирлик ва идора вакилларидан иборат республика штаби ташкил этилган. Штаб 24/7 режимда узлуксиз фаолият юритмоқда.

Колл-марказ ва расмий ботлар орқали тадбиркорлардан 6 мингга яқин мурожаат келиб тушган. Улардан 4,2 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди, 1,8 мингга яқинини кўриб чиқиш давом этмоқда.

Тайёргарлик доирасида масъул ташкилотлар томонидан 750 дан зиёд учрашув ўтказилиб, уларда 8,8 мингдан ортиқ тадбиркор иштирок этди ва 3,5 мингдан зиёд таклиф ҳамда масалалар билдирилди.

Бизнес-омбудсман ва Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган 130 дан ортиқ учрашувда эса 5,7 мингдан зиёд тадбиркор қатнашиб, 1,5 мингга яқин масалани ўртага ташлади. Аниқланган муаммоларни тубдан ҳал қилиш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, республика бўйича 5 минг 72 нафар тадбиркор ўртасида сўровнома ўтказилган. У орқали корхоналар самарадорлиги, инвестиция ва инфратузилма таъминоти, солиқ маъмурчилиги, ташқи савдо ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги масалалар ўрганилди.

Сўров иштирокчиларининг 93 фоизини маҳаллий хусусий корхоналар ташкил этди. Унда савдо, хизмат кўрсатиш, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари қамраб олинди.

Таҳлиллар корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни пасайтириш бўйича ҳали катта имкониятлар борлигини кўрсатди. Рақамли платформалар, сунъий интеллект, энергия тежамкор технологиялар, янги маҳсулот ва ишлаб чиқариш усулларини жорий этган корхоналарда сотув, рақобатбардошлик, иш ҳақи ва инвестиция кўрсаткичлари юқори бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ҲУДУДЛАРДА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга "Янгийўл тажрибаси" асосида ҳудудларда истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш, тармоқлардаги йўқотишлар ва дебиторлик қарздорликни кескин камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Аввалроқ ушбу тажриба асосида ҳар бир ҳудуддан биттадан танлаб олинган 14 та туманда намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда ишлар "маҳаллабай" ташкил этилиб, энергетика соҳасидаги муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва манзилли чораларни кўриш йўлга қўйилди.

Бу 916 та маҳалла, 832 мингта хонадон, 49 мингта тадбиркорлик субъекти ва 2,2 мингдан ортиқ ижтимоий соҳа объектини қамраб олди. Ҳар бир маҳалла бўйича энергетик паспорт ва энергия ресурсларига талаб баланси шакллантирилди.

Натижада илк бор маҳаллалар кесимида мавжуд талаб ва имконият ўртасидаги тафовут аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Жумладан, 265 та маҳаллада 60 мегаватт электр қуввати, 42 та маҳаллада эса йилига 47 миллион куб метр табиий газ тақчиллиги борлиги аниқланди. Айни пайтда 207 та маҳаллада қувват захираси мавжуд.

Бундай ёндашув келгусида энергия ресурсларига бўлган талабни олдиндан ҳисоблаш ва зарур инфратузилмани ўз вақтида тайёрлаш имконини беради.

Шу асосда электр ва газ тармоқларини янгилаш ишлари жадаллаштирилди. 14 та туманда 5 минг 695 та трансформатор, 6,9 минг километр электр тармоғи, 242 километр газ тармоғи ҳамда 404 та газ тақсимлаш қурилмаси таъмирталаб экани аниқланди. Уларнинг техник ҳолатини яхшилаб, "яшил" тоифага ўтказиш ишлари бошланди.

Ҳозирга қадар 441 та трансформатор, 1 минг 134 километр электр ва 88 километр газ тармоғи, шунингдек, 92 та газ тақсимлаш қурилмаси таъмирланди.

Аввалги йилларда инвестиция дастурлари доирасида бошланган, бироқ якунига етказилмаган объектларнинг бир қисми ҳам фойдаланишга топширилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, келгуси беш йилда мазкур туманларда энергия ресурсларига талаб 49 фоизга ошиши кутилмоқда. Шу боис, истиқболда ишга тушириладиган лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ва тадбиркорларни энергия ресурслари билан ишончли ҳамда барқарор таъминлашга қаратилган беш йиллик дастур ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар қатъият билан амалга оширилмоқда.***

*Моҳият*

## Янги кафолат ва имкониятлар

### тадбиркорларга кенг йўл очади





Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"**ги қонун бунинг яна бир амалий тасдиғидир.

**Эркин ГАДОЕВ,**
*Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси*

(Давоми 5-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Янги Ўзбекистонда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёти ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича салмоқли натижаларга эришиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини намоён этиб, инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвони билан**

**Болтаев Одилжон Олимжонович** — Самарқанд шаҳридаги "Azia metall prof" масъулияти чекланган жамиятининг ривожлантириш ва инвестиция масалалари бўйича директори, Самарқанд вилояти

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОЙИШИ**

## «ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасида илғор тажриба ва анъаналар мактабини яратиш борасида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатиб келаётгани, ўзининг изланувчанлиги, креатив ғоя ва ташаббуслари билан самарали фаолият олиб бориб, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётгани, бизнесда эришаётган салмоқли натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирлансин:***

**Бегжанова Салима Ражатдиновна** — Бўзатов туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Илясова Эльвира Аскарбаевна** — "Ҳунармандˮ уюшмасининг Қўнғирот тумани бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Калназаров Бахадур Ибанович** — Қўнғирот туманидаги "Ustyurt sodium sulfate" масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Машарипов Азат Базарбаевич** — Беруний туманидаги "Уста Бозорбой" хусусий корхонаси таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мустафаев Азат Есбосинович** — Тахиатош туманидаги "Atiyaj gulzar" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сабуров Дилшод Кабулжанович** — Тўрткўл туманидаги "Baraka tekstil group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Шимбергенов Азат Адилбаевич** — Нукус шаҳридаги "Nukus evro stroy" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

(Давоми 3-бетда) ▶

## Қонунчиликдаги янгиликлар

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида айрим қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларни бирхиллаштиришга, миграция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга, наркотиклар, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини, шунингдек, гиёҳвандлик ва наркоэлиминаторларга қарши кураш соҳасини тартибга солишга, фуқароларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

Парламент фаолияти




Мажлисда дастлаб **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Муносабат*




***Сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи жамиятда энг долзарб мавзулардан бирига айланди. Йўлларда тезликни меъёридан ошириш, маст ҳолда транспорт бошқариш, ноқонуний пойгалар, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган шахсларга рулни ишониб топшириш каби ҳолатлар оғир оқибатларга сабаб бўлмоқда.***



**Жаҳонгир АРСЛАНОВ,**
*Самарқанд вилояти суди раисининг ўринбосари – жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси*

(Давоми 4-бетда) ▶

**Жамиятимиз мақсади**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА МОС МЕЗОН: судлар — адолат қўрғони бўлсин!



***Ҳар қандай давлатнинг тараққиёт даражаси, аввало, унинг фуқароларига нисбатан қай даражада адолатли, инсонпарвар ва самарали ҳуқуқий тизимга эга эканлиги билан белгиланади.***

***Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳаларида амалга оширилган ислоҳотларни шартли равишда бир нечта даврларга ажратиш мумкин. Аввало, миллий қонунчиликнинг шаклланиши, жиноий жазоларни босқичма-босқич либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш йўлида тарихий ўзгаришлар амалга оширилди.***



**Шерзод АБДУҚОДИРОВ,**
*Одил судлов академияси ректори, юридик фанлар доктори*

Ўз навбатида, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалиётга татбиқ этилди. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан модернизация қилиш бўйича янги тизимли ислоҳотлар аниқ самаралар бергани қайд этиш лозим.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Тарих тилсимлари*




**Ўлмас УМАРБЕКОВ,**
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## Қизимга мактублар

***(Давоми. Боши ўтган сонларда)***

У киши ҳозир менинг аҳволимни кўрсалар, эс-хушларини йўқотиб қўйишларига аминман. Йўқ, яхшиси, улар ҳозирги ҳолатимни кўрмаганлари маъқул.

(Давоми 6-бетда) ▶

## ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Хусусан, камида учта самарадорлик чорасини жорий этган корхоналарда таннархни пасайтириш эҳтимоли 4,1 баробар, иш ҳақини юқори суръатда ошириш имконияти 2,1 баробар кўп. Бироқ бундай чораларни уч ва ундан ортиқ йўналишда қўллаётган корхоналар улуши атиги 11,6 фоизни ташкил этган. 28,5 фоиз корхона эса бу борада бирорта ҳам чора кўрмаган.

Корхоналарнинг 51 фоизида сўнгги даврда янги маҳсулот, хизмат ёки инновация жорий этилмаган, модернизация ишлари амалга оширилмаган. 40 фоиз корхона охирги бир йилда умуман инвестиция киритмаган, 29 фоизида келгуси бир йил учун ҳам бундай режа мавжуд эмас. Кредит фоизларининг юқорилиги, гаровни паст баҳолаш, ҳужжатларнинг кўплиги ва кредит расмийлаштириш муддатларининг узоқлиги асосий тўсиқлар сифатида кўрсатилган.

Сўров натижаларига кўра, корхоналарнинг 38 фоизи таннархни пасайтириш чораларини кўрмаган. 53 фоизида маҳсулот ва хизматлар таннархи ошган. Бунга асосан хомашё нархи, энергия ва логистика харажатларининг кўпайиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, 43 фоиз корхона энергия тежаш чораларини кўрмаган, 49 фоизи қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланмайди.

Инфратузилма таъминоти ҳам тадбиркорларни қийнаётган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Сўровномада тадбиркорлар тез-тез узилишлар, кучланиш ва босимнинг пастлиги, лимит ҳамда тарифлар билан боғлиқ масалаларни қайд этган.

Сўров иштирокчилари солиқ маъмурчилиги бўйича муҳим ислоҳотлар амалга оширилганини эътироф этган ҳолда, текширувлар ўтказиш ва қўшилган қиймат солиғини қайтариш билан боғлиқ жараёнларда мавжуд муаммоларни кўрсатиб ўтган. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг 94 фоизи барқарорлик рейтинги амалиётининг улар фаолиятига таъсирини юқори баҳолаган.

Сўровда қатнашган корхоналарнинг 22,3 фоизи ташқи савдо билан шуғулланади. Хорижлик мижоз топиш, маҳсулотни сертификатлаш, логистика, молиявий воситалар, божхона жараёнлари, бозор ҳақида маълумот ва маркетинг кўникмаларининг етишмаслиги экспортдаги асосий тўсиқлар сифатида кўрсатилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасида малакали юридик ёрдам олиш имконияти ва давлат харидлари шаффофлиги ижобий баҳоланган. Айни пайтда тадбиркорларнинг 73 фоизи мажбурий ижродаги бюрократик жараёнлар бизнесга салбий таъсир кўрсатаётганини билдирган.

Давлатимиз раҳбари келиб тушган мурожаатлар ва сўров натижаларини ҳудудлар ҳамда соҳалар кесимида чуқур таҳлил қилиб, тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Корхоналар самарадорлигини ошириш, инновация ва энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, кредит ва инфратузилма масалаларини ҳал қилиш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, экспортчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилди.

Очиқ мулоқотда кўтариладиган ҳар бир масала бўйича аниқ ечим, уни амалга ошириш механизми, масъуллар ва муддатларни белгилаш вазифаси қўйилди.

**ЎзА**

## ҲУДУДЛАРДА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Унда 721 та маҳаллада 2 минг 261 та трансформатор ва 7 минг 449 километр электр тармоғи, 200 та маҳаллада эса 313 та газ тақсимлаш қурилмаси ва 327 километр газ тармоғини янгилаш белгиланди.

Бу ишлар натижасида ҳудудларда қўшимча 1 минг 300 мегаватт ўтказувчанлик қуввати яратилиши кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳа объектларидаги энергия истеъмоли ҳам ўрганилди. Жами 1 минг 938 та объектнинг энергия сарфи таҳлил қилиниб, самарадорлиги паст бўлган 226 таси "қизил" тоифага киритилди. Уларни энергия самарадор тизимга ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, амалий ишлар бошланди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида йилига 4,3 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 2,1 миллион куб метр табиий газни тежаш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари 14 та туманда қўлланган мазкур ёндашув билан чекланиб қолмасдан, уни республиканинг барча туманларида жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Барча ҳудудларда ишларни "маҳаллабай" ташкил этиш, энергетик паспортлар ва энергия истеъмоли балансини шакллантириш, тармоқларнинг ҳолатини манзилли ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Мақсад – энергетика соҳасида "муаммо пайдо бўлгандан кейин уни бартараф этиш" амалиётидан "муаммони олдиндан аниқлаш, зарур чораларни режалаштириш ва унинг олдини олиш" тизимига ўтиш.

Йиғилишда Самарқанд вилояти ҳудудий электр тармоқлари бошқарувини хорижий инвесторларга бериш ҳамда "Сурхон – Пули-Хумри" юқори кучланишли тармоғини барпо этиш лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ФАРМОНИ**

# Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими" фахрий унвони билан**

**Хамраев Бахтиёр Джаббарович** — Навоий шаҳридаги "Gidro stanko servis" масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи" фахрий унвони билан**

**Исаков Муҳсинжон Қосимжонович** — Марғилон шаҳридаги "426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизмлар колоннаси" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти

**Бабаханов Ёрқин Хаитмурадович** — Бўстонлиқ туманидаги "Central Asian constriction" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони билан**

**Ахмедов Бахтиёр Эргашевич** — Бахмал туманидаги "Қўшчинор меваси" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Казимов Ботир Хайдарович** — Тойлоқ туманидаги "Bog'izog'on" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Умирзаков Шункар Умарович** — Оҳангарон туманидаги "Сарвар Азиз Умарзода рамзи" фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Шарипов Умарбек Куранбаевич** — Урганч туманидаги "Тилло домор" хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Ахмедов Қодиржон Махмудович** — Ўзбекистон туманидаги "Turon eco cement group" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Машарипов Отахон Каримберганович** — Хива туманидаги "Чинобод қурилиш" хусусий корхонаси директори, Хоразм вилояти

**Сайнурдинов Саидгаффар Мухитдинович** — Оҳангарон шаҳридаги "Premier electrotech" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

**Ураимов Исроилжон Хакимович** — Хўжаобод туманидаги "Ал-Ҳаким" хусусий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

**"Дўстлик" ордени билан**

**Абдурахманов Абдулазиз Абдукадирович** — "My freighter" ва "Centrum air" хусусий авиакомпаниялари таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Бабица Растислав** — "AZC group" компаниясининг Марказий Осиё бўйича ижрочи директори

**Ганиев Боисхон Баситович** — Шайхонтоҳур туманидаги "United soft" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Исматуллаев Жамшид Хайруллаевич** — Чуст туманидаги "Chust textile" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Клаин Роберт** — "Voltalia" компанияси бошқаруви раиси

**Кодиров Бехзод Нормаматович** — Бойсун туманидаги "Нарзи қушбеги" хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Маматқулов Ойбек Ахмедович** — Зомин туманидаги "Azim Zomin shifo" масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

**Маткаримова Ханифа Сапаевна** — Боғот туманидаги "Дилшода Дилшодбек Манзура" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Мирзажонов Шермухаммад Козимович** — Янгийўл туманидаги "Imperial granit" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

**Турумов Холмирза Алмахматович** — Яккабоғ туманидаги "Оқтош келажаги" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Ўрал Ўзкан** — "Odas Enerji CA" компанияси раҳбари

**Усманов Аъзам Анварович** — Тўрақўрғон туманидаги "Namangan qo'ychilik klasteri" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Хамидов Адахамжан Абдураимович** — "Фортекс" компанияси раҳбари

**Хужамов Ботир Мамадалиевич** — Балиқчи туманидаги "Чинобод нурли замин агрофирмаси" масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Юлдашев Икрам Ялгашевич** — Нукус шаҳридаги "Karakalpak palace hotel" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**"Мардлик" ордени билан**

**Жуманиёзова Рохат Ишимовна** — Тупроққалъа туманидаги "Маржона Сабохон" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Қўшшаев Афзал Ахмадович** — Шофиркон туманидаги "Жилвон жилоси 2020" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Махкамов Отабек Эркинович** — Ижтимоий тармоқлардаги "MrOtabekTV" саҳифаси асосчиси, блогер

**Мусаев Музаффархон Обосхонович** — Кичик бизнес уюшмаси раиси ўринбосари

**Урунбоев Маъруф Ҳусан ўғли** — Нарпай туманидаги "Narpay strategy up" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**II даражали "Саломатлик" ордени билан**

**Назарова Хадича Абдуллаевна** — "Саломатлик плюс экология" нодавлат нотижорат ташкилоти бошқарув кенгаши раиси, Фарғона вилояти

**Рахимий Шариф Уктамович** — Урганч шаҳридаги "Surge med" хусусий клиникаси бош шифокори, Хоразм вилояти

**"Соғлом турмуш" медали билан**

**Атабоев Хусан Каримович** — Сергели туманидаги "Atabaevs production" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Баратов Шоислом Абдуғани ўғли** — Гулистон шаҳридаги "Ideal study" нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Кенжаев Анвар Олимович** — Бухоро шаҳридаги "Амиршоҳ 777" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**"Жасорат" медали билан**

**Қурбонов Асрор Шомуротович** — Нишон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қашқадарё вилояти

**Қурбонов Фуркат Фарҳод ўғли** — Термиз шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор, новвой, Сурхондарё вилояти

**Очилова Зулфия Тўраевна** — Пешку туманидаги "Зулфия Тўра қизи" фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**"Келажак бунёдкори" медали билан**

**Баҳодиров Шоҳрух Бахтиёрович** — Шаҳрисабз шаҳридаги "Lazzat pishloq" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Максудов Бекзод Улуғбек ўғли** — Мирзо Улуғбек туманидаги "Intest max" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Нурмухамедов Элбек Тимурович** — Яшнобод туманидаги "East-games" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Солиев Мухаммадхон Бобиршоевич** — Самарқанд шаҳридаги "Инновацион маскан" нодавлат таълим муассасаси директори, Самарқанд вилояти

**"Шуҳрат" медали билан**

**Адамбоев Тохиржон Акбаралиевич** — Сергели туманидаги "Barakat-alfa" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Дадахонов Даврон Тохирович** — Юнусобод туманидаги "Global export company" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Жаббарова Юлдуз Хасановна** — Шароф Рашидов туманидаги "Ю-Мева" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Махмудов Фарход Гайратович** — "Brio group" акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Муртазаев Шохрух Давронбекович** — Яшнобод туманидаги "Cinema store" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Норбоева Моҳичеҳра Нусратиллоевна** — Ғозғон шаҳридаги "Ғозғон чевар қизлари" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Навоий вилояти

**Обидов Дадахон Одилович** — Сергели туманидаги "Xon films" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Олимова Инобат Равшановна** — Хатирчи туманидаги "Султонали Жавоҳир" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Пан Евгения Леонидовна** — Иштихон туманидаги "Samarkand stone trade corporation" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Пардаев Салохиддин Сайдуллоевич** — Термиз шаҳридаги "Файзи Меҳринисо қурилиш" хусусий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Сагдиев Темур Хайруллаевич** — Миробод туманидаги "Design studio" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Султанов Мирсаид Саламатдинович** — Нукус шаҳридаги "Ажинияз Қарақалпақ" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султоналиев Бобуржон Ботирали ўғли** — Қувасой шаҳридаги "Crown ceramic" масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

**Туляганов Гафур Ахмаджанович** — "Ahmad oltin jo'ja" ресторанлар тармоғи асосчиси, Тошкент шаҳри

**Умирзоков Ойбек Тажибаевич** — Асака туманидаги "Everest metall grand" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Ўринов Шерали Бобоқулович** — "Fayz" миллий таомлар тармоғи асосчиси, Тошкент шаҳри

**Устаджалилов Дантес Фарходович** — Гулистон шаҳридаги "Dantes construction" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сирдарё вилояти

**Хайруллаев Азим Абдурасулович** — Бухоро туманидаги "Tekhnochem" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Хамидов Лазизбек Ёдгарович** — Мирзо Улуғбек туманидаги "Tasnif group" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Худойбердиева Зиёдахон Аъзамжоновна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ziyotrans" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

**Чориева Гулнора Джуракуловна** — Шаҳрисабз шаҳридаги "Тикувчи Анорагул" хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Юсупов Шухрат Фазлитдинович** — Сергели туманидаги "Makiz baraka" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2026 йил 13 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

# «ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

**Дусмуратов Мирзадиёр Мирзагайратович** — Андижон туманидаги "Makon Mirzo" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Рахимов Юнусжон Нематович** — Балиқчи туманидаги "Sokin savdo servis" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Рахматова Бузайнаб Мирсаитовна** — Олтинкўл туманидаги "Pergament Snegurochka" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Сайфутдинова Шахноза Алишер қизи** — Марҳамат туманидаги "XXI аср академияси" нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Андижон вилояти

**Турсунов Жомолдин Останакулович** — Хўжаобод туманидаги "Everest MMM" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Умаров Зохиджон Зияидинович** — Қўрғонтепа туманидаги "Sog'lom avlod" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Амонов Воҳиджон Неъматуллаевич** — Ғиждувон туманидаги "Demo Clean" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Ахророва Шаҳноза Ботировна** — Бухоро шаҳридаги "Rangrez Bukhara" хусусий корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Бобокалонов Санжар Рамазонович** — Вобкент туманидаги "Shirin ethno house" оилавий туризм корхонаси раҳбари, Бухоро вилояти

**Искандаров Ғайрат Ҳасанович** — Қоракўл туманидаги "Hasanobod shifo-bol" асаларичилик фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**Тойиров Азизжон Эргашевич** — Шофиркон туманидаги "Family food claster" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Тоҳиров Бобомурод Баҳодирович** — Бухоро шаҳридаги "Miramax turist trans" масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Абжалов Нуриддин Саатович** — Шароф Рашидов туманидаги "Пахтакорлик Диёржон даласи" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Буронов Жахонгир Нусратович** — Зарбдор туманидаги "Miramiller" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Жиззах вилояти

**Давлетияров Данияр Бегдуллаевич** — "ADM Jizzakh" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Мавланов Шухрат Тулкинович** — "Professional assets management" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Суванкулов Шоҳҳасан Муҳаммад ўғли** — Пахтакор туманидаги "Semrug' cluster" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Султонов Миртоза Ҳикматович** — Дўстлик туманидаги "Obi Sangzor" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Тоғаева Юлдуз Абдураимовна** — Ғаллаорол туманидаги "New world savdo" оилавий корхонаси таъсисчиси, Жиззах вилояти

**Юнусов Абдулазиз Абдуахатович** — Жиззах шаҳридаги "Roison home white goods" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Жиззах вилояти

**Кудратов Искандар Нигматович** — Қарши шаҳридаги "Асл юксалиш савдо" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Қобулов Яхшимурод Хурозович** — Кўкдала туманидаги "Қобулов Хўроз Холбоевич" полизчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Муртазаев Хуршид Рустамович** — Шаҳрисабз туманидаги "Shahrisabz bunyodkori" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Рахмонова Дилфуза Тожиддиновна** — Қарши шаҳридаги Ахборот технологиялари ва менежмент университети таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Сайлиев Жамол Камолович** — Қарши туманидаги "Radiant silk" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Қашқадарё вилояти

**Умиров Сарвар Нумонович** — Шаҳрисабз туманидаги "Hisor maxsus qurilish invest" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Хайдаров Отабек Рустамович** — Чироқчи туманидаги "Komfort star new" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Чориев Обиджон Бараковия** — Кўкдала туманидаги "Бобур" йилқичилик фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Жиянов Журабой Нуритдинович** — Навоий шаҳридаги "Golden lift" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

**Темиров Шерзодхужа Илхомжонович** — Кармана туманидаги "Metall mahsulot zavodi" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

**Хайдаров Наврўз Кудратович** — Конимех туманидаги "Navoiy dizayn plyus" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Хусаинов Фирдавс Хафизович** — Навоий шаҳридаги "Навоий монтаж автоматика" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Шомиева Улаш Шонозаровна** — Қизилтепа туманидаги "Akobir Marjona orzusi" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Бекмуратов Носир Абдиманопович** — Учқўрғон туманидаги "Citrus city" масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Мамашаев Баходир Абдувахобович** — Давлатобод туманидаги "Comfort cool system" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Насимова Нигора Мусахановна** — Янги Наманган туманидаги "Zarka" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Нуритдинов Ойбек Юсубжонович** — Наманган туманидаги "Yusuf bahor gullari" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Рустамова Насиба Карим қизи** — Наманган шаҳридаги якка тартибдаги тадбиркор, гул етиштирувчи, Наманган вилояти

**Садиков Руслан Юрьевич** — Наманган шаҳридаги "Grand textile service" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Ахмеджонов Фаррух Аъзамович** — Самарқанд шаҳридаги "Renessans dizayn" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Бегимов Улугбек Нажимович** — Пахтачи туманидаги "Alisher" хусусий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Гадоев Бегимқул Ўлмасович** — Ургут туманидаги "Maxmadjon nurafshon" хусусий корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Джабборов Жахонгир Джуракулович** — Оқдарё туманидаги "Sam text plas" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Жалилов Шокиржон Рауповия** — Самарқанд шаҳридаги "Mega sezon poyafzal" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Ли Юрий Аркадевич** — Самарқанд шаҳридаги "Elxolding" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Самарқанд вилояти

**Рахматов Фарход Расулович** — Самарқанд туманидаги "Gulobod mebel" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Босимов Рустам Рахматуллоевич** — Гулистон шаҳридаги "Bosimov Rustam Raxmatulloyevich" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сирдарё вилояти

**Данияров Абдушохид Абдуганиевич** — Боёвут туманидаги "Абдумавлон Данияров" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Зулпихарова Замира Эргеновна** — Гулистон шаҳридаги "Истиқлол коммунал хизмат таъмир" бошқарув сервис компанияси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Нодирова Гулчехра Саидахматовна** — Гулистон туманидаги "Aleyna textile" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

**Тураев Қобилжон Тинчликович** — Гулистон туманидаги "ММХ ПРО" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

**Хайтметов Отабек Азадович** — Янгиер шаҳридаги "Eco wood plyus" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сирдарё вилояти

**Боқижонов Илҳомжон Исмоилович** — Шеробод туманидаги "Nasaf universal form" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Валназаров Равшанжон Худойберди ўғли** — Денов туманидаги "Ishonch sifatli halol xizmat" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Жумаева Маликахоним Алишер қизи** — Термиз шаҳридаги "Nova pharm" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси, Сурхондарё вилояти

**Иминова Наргиза Джураевна** — Узун туманидаги "Ўктам бобо ширин-ликлари" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ишкобилов Шайдулла Темирович** — Қумқўрғон туманидаги "Механика" хусусий корхонаси директори, Сурхондарё вилояти

**Муродов Мухибулло Гулмуродович** — Сариосиё туманидаги "Сурхон ҳисори қўйлари" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Хидиров Миролим Ғайратович** — Бойсун туманидаги "Boysun ugol" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Ҳасанов Бегали Ўралович** — Қизириқ туманидаги "Xumoyiddin biznes klass servis" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Назаров Аъзам Абдикадирович** — Ангрен шаҳридаги "Fresh market Angren" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Пирматова Дилдора Илхамовна** — Паркент туманидаги "Elastikum" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Рахимов Даврон Рахмон ўғли** — Ўрта Чирчиқ туманидаги "Jannatmakon mebel" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Солиев Азизбек Хабибуллаевич** — Юқори Чирчиқ туманидаги "Sof gigiyenik" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

**Шавкатов Савлат Давлатович** — Зангиота туманидаги "Mos pekar" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Асқаров Абдумалик Абдисаторович** — Тошлоқ туманидаги "Хурмо экспорт" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Ёдгорова Маликахон Бойкузиевна** — Фурқат туманидаги "Mashxura ekspress market" хусусий тикувчилик корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Мамадалиев Ғайратжон Исмоналиевич** — Қува туманидаги "Мамадалиев Ғайратжон" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Мамадалиев Махамадали Рахмонович** — Фарғона туманидаги "Rivoj-98" хусусий корхонаси бош директори, Фарғона вилояти

**Махсудов Озодбек Бахромалиевич** — Олтиариқ туманидаги "Tinchlik meva export" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Толипов Алпон Хамиджонович** — Учкўприк туманидаги "Khat decor" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Хожибоев Нодирбек Масаминович** — Фарғона шаҳридаги "Swissagro" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти

**Шерқулов Абдурахмон Махмуталиевич** — Учкўприк туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, Фарғона вилояти

**Асматиллаев Рахматилла Ибрагимович** — Ҳазорасп туманидаги "Ҳазорасп Амур балиқлари" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Каримов Гайрат Баходирович** — Урганч шаҳридаги "Bog'i Eram Xorazm" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Отажанова Дилноза Равшанбековна** — Хива шаҳридаги "Xiva Dilnoza kulol" оилавий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

**Рахимов Адилбек Эркинович** — Хива шаҳридаги "Erkin Palas" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Хоразм вилояти

**Сабиров Беҳзод Кўчкорович** — Тупроққалъа туманидаги "Space-S" масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти

**Султанов Шавкат Рузматович** — Хонқа туманидаги "Xonqa express export" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Ходжаев Дилшод Рузматович** — "Fly Khiva group" хусусий авиакомпанияси бош директори, Хоразм вилояти

**Юлдашев Мурoджон Очилдиевич** — Урганч шаҳридаги "Arton Urgench invest" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Абдуазизов Борий Абдувалиевич** — Яккасарой туманидаги "Diva teks" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Абдуллаев Абдукаюм Абдусаттарович** — Миробод туманидаги "Qo'noq hotels" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Абдурахимова Залина Ибадуллаевна** — Чилонзор туманидаги "Носирхон-Муслим" масъулияти чекланган жамиятининг ташқи иқтисодий фаолият бўйича директори, Тошкент шаҳри

**Абдуфаттахов Нодир Абдуфаттахович** — Ижтимоий тармоқлардаги "Mr. Etiket" саҳифаси асосчиси, блогер

**Акбаров Рашод Мухамедфатихович** — Бектемир туманидаги "Baner print" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Алиева Доно Хайруллаевна** — Яшнобод туманидаги "Greenleaf products" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Алимов Исмаил Исраилджанович** — Яшнобод туманидаги "Isko" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Асланов Зафариддин Хайруллаевич** — Юнусобод туманидаги "Sofizar" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Ашуров Беҳзод Акбар ўғли** — Бектемир туманидаги "Mirzo Bobur" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Ғайбуллоев Нозимжон Абдунаймович** — Чилонзор туманидаги "Rubber plast pharm" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Гулямов Бехзод Хаётович** — "Oqtepa lavash" фастфуд тармоғи асосчиси, Тошкент шаҳри

**Джумаев Джасур Хуршидович** — Юнусобод туманидаги "Uzum technologies" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Жураев Сайдмурод Алиханович** — Янгиҳаёт туманидаги "Trust communal" бошқарув сервис компанияси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Исламова Динара Улугбековна** — Миробод туманидаги "Dodo pizza Tashkent" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Ишмухамедов Умиджон Кудратиллаевич** — Чилонзор туманидаги "Edu Action" масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

**Мирзамухамедов Мухтор Захиджанович** — Учтепа туманидаги "Mavis global" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Миртурсунов Зафар Шухратович** — Янгиҳаёт туманидаги "Health line" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Муллабаев Музаффар Шаниязович** — Миробод туманидаги "Asia kandi" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Насирходжаев Яхёхўжа Боходирович** — "Nano" хусусий клиникаси асосчиси, Тошкент шаҳри

**Нуритдинов Азиз Рустамович** — Юнусобод туманидаги "Eman" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Рахимов Отабек Алишер ўғли** — Олмазор туманидаги "Ижод-ижод" хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Тошов Рустам Нумонжонович** — Мирзо Улуғбек туманидаги "IT-Alliance SWS" юридик шахслар уюшмаси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Турсунов Искандар Мухаммадиевич** — Янгиҳаёт туманидаги "AI Muamalat Consulting" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Убайдуллаев Азизбек Убайдулла ўғли** — Янгиҳаёт туманидаги "Electronic autonomous solutions" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Шукуров Иззат Сурат ўғли** — Миробод туманидаги "YandexGo UB" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2026 йил 13 август*

# Фаол ишбилармонлик муҳити янги бизнесменлар сонини кўпайтирмоқда

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Истиқлол йилларида тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасидаги ислоҳотлар жараёнида парламентнинг ўрни ва роли” мавзусида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказилди.***

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Раҳимжон Хакимов тадбирни кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида хусусий мулкни ҳимоя қилиш, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бизнес юритиш учун ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон бизнес юритиш учун қулай мамлакатга айланиб бормоқда. Сўнгги йилларда соҳага доир кўплаб қонунлар қабул қилинди. Натижада тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларда корпоратив бошқарувни тартибли ва масъулиятли қилиш, кўчмас мулк бозорини профессионал, шаффоф ва ишончли тизимга айлантиришнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот тадбиркорларнинг овозини эшитиш, уларни ўйлантираётган масалаларга бевосита ечим топиш, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қуйи палатада Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини парламент даражасида ифода этиш, соҳадаги долзарб масалаларни тизимли равишда кўриб чиқиш, шунингдек, давлат ва бизнес ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қўмита аъзоларининг ҳудудлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, саноат зоналари, хизмат кўрсатиш объектларидаги ўрганишлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувлари давомида соҳага оид масалалар ҳал этилмоқда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар олинмоқда. Бу ўз навбатида, парламент ва бизнес ўртасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Мулоқот давомида турли йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркорлар ўз тажрибаси, соҳадаги имкониятлар ва амалиётда учраётган муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, парламент ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни янада тизимли йўлга қўйиш мақсадида “Парламент — тадбиркор” ўзаро мулоқот платформасини ишга тушириш ташаббуси илгари сурилди. Мазкур платформа уларнинг муаммолари, таклиф ва ташаббусларини мунтазам муҳокама қилиш, уларни қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилиш ҳамда соҳадаги долзарб масалалар юзасидан очиқ мулоқотни йўлга қўйишда алоҳида майдон вазифасини ўтайди.

Тадбир якунида бизнес вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Экологик барқарорликни таъминлашда парламентнинг ўрни муҳокама қилинди

***Юртимиз бўйлаб Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси томонидан ўтказилган “Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлашда парламентнинг роли” мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳам истиқлолимизнинг 35 йиллик шодиёнасига бағишланди.***

Конференцияда мамлакатимизда экологик соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, уларнинг самарали натижалари, шунингдек, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда экологик ҳуқуқлар мустаҳкамланиб, охирги ўн йилда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида 30 дан ортиқ қонунлар, шунингдек, мамлакатимиз тарихида илк бор Сув кодекси янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва институционал асосларини янада мустаҳкамлади.

Ушбу ҳуқуқий асослар ижросини таъминлашда парламент назоратининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, “Ҳукумат соати”, парламент ва депутатлик сўровлари, қўмиталар томонидан қонунлар ижросини ўрганиш каби механизмлар қабул қилинган қонунларнинг амалиётда самарали ишлашини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ташаббуси билан экологик масалалар юзасидан ҳукумат аъзоларининг ахборотлари эшитилиб, парламент назоратининг таъсирчан шакллари изчил қўлланилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, экологик барқарорликни таъминлашда давлат органлари ва парламентнинг илмий доиралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Экологик қонунчиликни мунтазам такомиллаштириб бориш ва унинг ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлаш Янги Ўзбекистон тараққиётида экологик барқарорликка эришишнинг муҳим шартларидан бири экани алоҳида урғуланди.

Конференция давомида олимлар ва тадқиқотчилар томонидан экологик қонунчиликни тизимлаштириш, атроф-муҳит мониторинги, чиқиндиларни бошқариш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга оид қонунчиликни янада ривожлантириш юзасидан илмий-амалий таклифлар билдирилди ва якунда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
*ЎзА мухбири*

**Жамиятимиз мақсади**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА МОС МЕЗОН:

## судлар — адолат қўрғони бўлсин!

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Энг муҳими, 2016 йилдан бошланган даврни Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими тарихидаги шиддатли ва натижадор босқич сифатида баҳоласак, тўғри бўлади.

Бу борада эришилган натижалар нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонининг кўплиги, балки уларнинг мазмунан чуқур ислоҳ этувчи характерга эга эканлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги **«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги, юксак босқичини бошлаб берди. Мазкур Фармон судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши ҳақидаги конституциявий норманинг амалда тўлиқ рўёбга чиқарилишига йўл очди ҳамда суд тизимини институционал жиҳатдан қайта қуриш бўйича кенг қамровли ва изчил дастурнинг бошланғич нуқтаси бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги **«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»**ги Фармони билан 2017–2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Унинг иккинчи йўналиши — **«Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш»** деб номланди.

Шу йўналиш доирасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш; маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш; алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш; жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; жиноят процессида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш; адвокатура институтини ривожлантириш каби устувор вазифалар аниқ ва мақсадли тарзда бажарилди.

Шунингдек, 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»**ги қонун билан илгари Президент ҳузурида фаолият юритган ва фақат судьяларни лавозимга тавсия этиш вазифасини бажарган Олий малака комиссияси ўрнига мустақил, конституциявий-ҳуқуқий мақомга эга Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Бу – суд ҳокимияти мустақиллигини институционал жиҳатдан мустаҳкамлашнинг ёрқин намунаси бўлди.

Кенгаш судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, уларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги масалаларини кўриб чиқиш каби кенг ваколатларга эга бўлди.

Шу билан бирга, **«Маъмурий суд иши юритуви тўғрисида»**ги ва **«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»**ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу ҳужжатлар давлат органлари фаолиятидаги қонунийликни мустаҳкамлаш ва фуқаролар ҳуқуқларини маъмурий суд йўли билан ҳимоя қилишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги **«Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги ислоҳотларнинг илмий асосланган концептуал дастури бўлди.

Қарорда 1994 йилда қабул қилинган кодексларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайдиган жиҳатлари очиб берилиб, жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш каби устувор йўналишлар белгиланди.

Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги **«Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим амалий воситасига айланди. Ушбу қарорда суд амалиётида қонунга хилоф равишда, жумладан, қийноқ, зўравонлик ёки бошқа ноқонуний усуллар қўлланилиб олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, бундай ҳолатлар тўғрисидаги мурожаатлар суд-тиббий ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий тарзда текширилиши лозимлиги мустаҳкамланди.

Янада муҳими, Президентимизнинг 2018 йил 11 ноябрдаги **«Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳасидаги ислоҳотларга кучли туртки берди. Қарор доирасида жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни сақлаш шароитларини яхшилаш, уларнинг меҳнат ва таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш, жазони ижро этиш жараёнида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш, шунингдек, жазони ўтаб бўлган шахсларни жамиятга ижтимоий мослаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Бу қарор жазони ижро этиш сиёсатида «репрессив-жазоловчи» ёндашувдан «тарбиявий-реинтеграцион» ёндашувга ўтишни мустаҳкамлади. Кейинги йилларда пробация хизматини ташкил этиш, маҳкумларни жамиятга қайтариш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш каби амалий қадамларга асос бўлди.

Ушбу даврда Президентимиз томонидан қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармон жиноят процессида тезкор-қидирув ва тергов фаолиятининг шаффофлигини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Фармонда жиноят процессида судлар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларга нисбатан «муайян ҳаракатларни тақиқлаш» деб номланган янги, енгилроқ эҳтиёт чорасининг жорий этилиши, шунингдек, кўплаб процессуал ҳаракатларни холислар иштирокисиз, лекин мажбурий тарзда видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этиш тартибининг йўлга қўйилиши назарда тутилди. Бу ислоҳотлар терговнинг дастлабки босқичидан бошлаб шахс ҳуқуқларини кафолатлаш даражасини оширишга қаратилган.

Бундан ташқари 2021 йил 12 январдаги қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг мурдани эксгумация қилиш тартибини белгиловчи нормалари такомиллаштирилди, жумладан, ушбу масалани кўриб чиқиш ваколати аниқ судьялар доирасига бириктирилди ва судьянинг тегишли ажрими устидан шикоят қилиш муддати қатъий белгилаб қўйилди. Бундай аниқ процессуал муддатларнинг белгиланиши жиноят процессида ишларни кўриб чиқиш тезлигини ошириш ва фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқини самарали амалга оширишни таъминлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 28 январдаги **«2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»**ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг навбатдаги, **«Инсон қадри учун»** деб номланган олижаноб тамойилга асосланган босқичини бошлаб берди. Тараққиёт стратегиясида **«Адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш»** алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланиб, унинг доирасида жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш назарда тутилди.

Стратегияда белгиланган муҳим вазифалардан бири — қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва бу йўналишда алоҳида қонун қабул қилишдир. Бундан ташқари, ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни кодификациялаш, «Хабеас корпус» институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш, шунингдек, маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш орқали давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан суд назоратини кенгайтириш вазифалари белгилаб қўйилди.

Жазони ўтаб бўлган шахсларни жамиятга қайта мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жазони ўтаб чиққан шахсларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакетини бериш тизими, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр каби рақамлаштиришга асосланган янги механизмлар жорий этилди.

Электрон тартибда суд ва ижро ишини юритиш, суд мажлисларини видео-конференцалоқа орқали ўтказиш имконияти каби йўналишлар устувор вазифалар сифатида белгиланди. Бу борада тизимда эришилган самаралар одил судловга эришиш даражасини ошириш ва судлов жараёнларининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 16 февралда қабул қилинган **«Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони соҳа ривожида алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Фармон билан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари 2030 йилгача мўлжалланган янги, юксак босқичга кўтарилди.

Фармонда белгиланган йўналишлар орасида:

• жиноят процессида халқаро тан олинган «Хабеас корпус» институтини янада такомиллаштириш мақсадида тергов судьяларига қамоққа олиш, уй қамоғи ва бошқа эҳтиёт чоралари ҳамда процессуал мажбурлов чораларини ўзгартиш ва бекор қилиш ваколатини бериш;

• ўта оғир ва жамоатчилик эътиборини тортган жиноят ишларини судда жамоатчилик вакилларидан иборат халқ вакиллари ҳайъати иштирокида кўриб чиқиш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш;

• ҳимоячига жиноят ишида ўз ҳимояси остидаги шахс иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар ва далиллар билан танишиш ҳамда улардан нусха олиш ҳуқуқини бериш орқали ҳимоя тарафининг процессуал имкониятларини кенгайтириш;

• жиноят иши юритувида ярашув институтидан фойдаланиш кўрсаткичини ошириш;

• судлар ва тергов органлари фаолиятида процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга оширишдан фойдаланиш даражасини 50 фоизга етказиш вазифалари алоҳида эътиборга лойиқ

Мамлакатимизда жорий 2026 йил **«Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили»** деб эълон қилингани муносабати билан Президент Фармони асосида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тасдиқланди. Бунда жиноят қонунчилигини янада қатъийлаштиришга қаратилган муҳим ижтимоий чоралар ҳам белгиланди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги давлат сиёсати изчил, узоқ муддатли стратегик режалаштиришга асосланган бўлиб, ҳар бир кейинги босқич олдинги босқичда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга қаратилган.

Айниқса, сўнгги ўн йилликда – 2016 йилдан буён амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами, чуқурлиги ва самарадорлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги изчил давлат сиёсатининг амалий ва самарали ифодасидир.

***●Муносабат***

# Бола азиз,

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Айниқса, вояга етмаган шахсларнинг транспорт воситасини бошқариши кишида жиддий хавотир уйғотади. Чунки бундай ҳолатда хавф фақат қоидабузарлик билан чекланмайди. Рулга ўтирган бола ёки ўсмирда етарли ҳаётий тажриба, ҳуқуқий масъулият ҳисси, хавфни тўғри баҳолаш кўникмаси ва ҳайдовчилик малакаси бўлмайди. Оқибатда бир лаҳзалик эътиборсизлик кутилмаган кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу боис, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Қонун лойиҳасида асосий эътибор йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, шунингдек, қўпол қоидабузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасида вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлик учун жавобгарликни кучайтириш таклиф қилинмоқда. Энг муҳими, агар вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш оқибатида фуқаронинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилса, одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар юз берса, транспорт воситасини топширган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

Бу норманинг моҳияти шундаки, жавобгарлик фақат рулга ўтирган вояга етмаган шахс билан чекланиб қолмайди. Агар унга автомобилни бошқариш имконини берган шахс — ота-она, қариндош, транспорт воситаси эгаси ёки бошқа шахс бўлса, оғир оқибатлар юз берган тақдирда, у ҳам ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунингдек, шу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам бир қатор ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда. Жумладан, вояга етмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш, ноқонуний автопойга ташкил этиш ва унда иштирок этиш, юк автомобилларини хавфли ҳолатда йўл четида қолдириш, транспорт воситасини ҳисобдан чиқариш тартибини бузиш ҳамда белгиланган тезликни соатига 80 километрдан ортиқ оширганлик учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилган.

Бундан ташқари қонун лойиҳасида маъмурий жазонинг янги тури сифатида автомобилни олти ойдан бир йилгача муддатга вақтинча олиб қўйиш чорасини жорий этиш ҳам назарда тутилган. Бундай чора йўл безорилиги, ноқонуний пойга, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш ёки тиббий текширувдан бош тортиш каби ҳолатларда, ҳайдовчилик ҳуқуқига эга бўлмаган ёки ундан маҳрум этилган шахсларга нисбатан суд қарори билан қўлланилиши мумкин.

Маълумки, ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини билиши, вазиятни тез баҳолай олиши, хавфли ҳолатда тўғри қарор қабул қилиши, бошқа ҳаракат иштирокчилари ҳаёти учун масъулиятни ҳис қилиши керак. Аммо вояга етмаган шахсда бу жиҳатлар ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади.

Бола кўпинча тезликни хавф эмас, ҳаяжон деб қабул қилади. Дўстлари олдида ўзини кўрсатиш, видеога олиш, пойга қилиш, қўрқмаслигини намойиш этиш каби ҳолатлар уни янада хавфли қарорларга етаклаши мумкин.

Бунинг энг оғир томони шундаки, рулни болага берган катталар кўпинча “ҳеч нарса бўлмайди” деб ўйлайди. Аммо фожиа содир бўлгач, “билмагандим”, “бир марта бергандим”, “ўзи сўраб олганди” деган баҳоналар инсон ҳаётини қайтариб бермайди.

Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатидаги ўлимлар сони 2024 йилда 2 минг 203 нафарни, 2025 йилда эса, 2 минг 188 нафарни ташкил этган.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, 2025 йилда 9 минг 226 та йўл-транспорт, 2026 йилнинг биринчи чорагида эса, 1 минг 102 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган.

Кейинги йилларда вояга етмаган шахслар томонидан транспорт воситаси бошқарилиши ёки ҳуқуқи бўлмаган шахсларга автомобиль берилиши билан боғлиқ бир қатор оғир ҳолатлар содир этилмоқда. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди.

Масалан, шу йил 7 февраль куни вояга етмаган судланувчи Ш.Ашуров «Спарк» русумли автомашинани отасининг рухсатисиз бошқарган. У уч нафар синфдоши билан автомашинада кўчага чиққан. Рулда ўтирган Ш. Ашуров тезликни соатига 80 километрга ошириб, олдинда ҳаракатланаётган А.Ҳамидов бошқарувидаги автомашинани қувиб ўтиш мақсадида қарама-қарши ҳаракат йўлагига чиққан вақтда қаршисидан келаётган «Кобалт» русумли автомашина билан тўқнашган. Ҳодиса оқибатида «Спарк»нинг олд ўриндиғида ўтирган бола ҳаётдан кўз юмган. Ҳар иккала автоулов йўловчилари турли даражада тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу янги қонун тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга ва тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Айтиш керакки, янги қонун билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қўшимча кафолатлар белгилаш, уларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий шакл ва усуллари ҳуқуқий асосларини қонун даражасида белгилаш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

Хусусан, **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонун **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатларининг асосий принциплари”** деб номланган алоҳида янги модда билан тўлдирилмоқда. Бу асосий принциплар қаторига қонунийлик, тадбиркорликнинг эркинлиги, тадбиркорлик субъектларининг тенглиги, ишончнинг ҳимоя қилиниши, коррупциядан холилик, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, тадбиркорликка оид қонунчиликнинг барқарорлиги ва аниқлиги каби принциплар киради.

Тадбиркорлик субъектлари календарь йил давомидаги жами даромадининг миқдорига қараб, кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектлари тоифаларга бўлинади. Янги қонунда бу борадаги мезонлар аниқлаштирилган.

Яъни кичик тадбиркорлик субъектлари тоифаларига:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- микрофирмалар – таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ва календарь йил давомидаги жами даромади бир миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;
- кичик корхоналар – календарь йил давомидаги жами даромади бир миллиард сўмдан ўн миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари киради.

Ўрта тадбиркорлик субъектлари тоифасига календарь йил давомидаги жами даромади ўн миллиард сўмдан юз миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари киради.

Йирик тадбиркорлик субъектлари тоифасига календарь йил давомидаги жами даромади юз миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари киради.

Шунингдек, ушбу янги қонун билан тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш асослари ҳам белгиланмоқда. Тадбиркорлик субъектининг фаолияти ўзининг аризасига асосан, шунингдек, ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга назорат қилувчи органлар томонидан, ўн иш кунидан ортиқ муддатга эса, суд томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектини ўз аризасига асосан тўхтатиб туриш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилмоқда. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб туришга фақатгина инсон ҳаёти ва соғлиғига юқори хавф солувчи омиллар, реестрга киритилган омиллар асосида йўл қўйилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари тадбиркорлик




субъектларига молиявий енгиллик беришга қаратилган янги механизмлар ҳам белгиланмоқда. Хусусан, тадбиркорликни молиявий ва мулкий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш субсидиялар бериш, грантлар асосида молиялаштириш, иштиёзли кредитлар ажратиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бериш орқали амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, молиявий ва мулкий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) талабларига зид келмаслигини таъминлайдиган нормалар ҳам белгиланмоқда.

Янги қонунда тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий санкциялар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўланиши мумкинлиги, амалдаги қонун талабини бузганлик учун субъектнинг ўзига нисбатан молиявий жавобгарлик қўлланилиши унинг ходимига нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилишига сабаб бўлмаслиги белгиланмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг энергия манбаларига уланиш ва улардан белгиланган тартибда фойдаланиш борасида, ер ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда хусусийлаштириш натижаларининг кафолатлари ҳам белгиланмоқда.

Яъни янги қонунда энергетика корхоналари тадбиркорлик субъектларининг энергия манбаларига бўлган эҳтиёжларини хавфсиз, ишончли, барқарор ва узлуксиз равишда таъминлаши шартлиги қайд этилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга фақат олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати, кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати, кўчиш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатларнинг, ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган, аммо бой берилган фойданинг ўрни, ҳуқуқ эгасининг қонунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарларнинг ўрни қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда тўлиқ ҳажмда қопланганидан кейин йўл қўйилади.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вакилни текширувлар тўғрисида хабардор қилиш ҳамда текширув бошланганидан кейин хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувларни ташаббус қилиш учун асослар аниқлаштирилмоқда.

Назорат қилувчи органларнинг молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектларининг танловига кўра, қуйидаги шакллардан бири орқали ихтиёрий равишда ижро этилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Бунда назорат қилувчи органларнинг молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги қарори топширилган кундан эътиборан бир ой муддатда жарима миқдорининг эллик фоизини ихтиёрий равишда тўлаш шарти билан жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод этилади.

Жарима суммасини олти ой давомида тенг миқдорларда бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги қарори топширилган кундан эътиборан бир ой давомида жарима миқдорининг камида олтидан бир қисмидан иборат дастлабки тўловни тўлаган тақдирда, жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби автоматик равишда амал қилади.

Яна муҳим янгиликлардан бири — ушбу қонун билан тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларнинг ягона реестри ва уни юритиш тартиби белгиланмоқда. Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларнинг ягона реестри тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўйиладиган талаблар, ушбу талабларнинг амал қилиш муддати, давлат назоратини амалга оширишга доир талаблар, мажбурий талабларга мувофиқликни тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар, шунингдек, ушбу талабларга риоя этмаганлик учун жавобгарлик чоралари ҳамда соҳага оид бошқа тегишли ахборотни ўз ичига олган очиқ маълумотлар базаси ҳисобланади.

Булардан ташқари ушбу қонун билан амалдаги Иқтисодий процессуал кодекси ва **“Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”**ги қонунга ҳам муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш ҳамда баҳолашга оид ҳисоботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш натижаларини қайта кўриб чиқиш, ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш деб баҳоланиши ҳамда бундай ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмаслиги белгиланмоқда.

Шундай қилиб, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳуқуқий асослари ҳамда кафолатларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

*Парламент фаолияти*

# Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатларини содда ва тушунарли тилда тайёрлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида қонунчилик ҳужжатларида фойдаланилган айрим атамаларни ягона шаклда қўллашни назарда тутувчи ўзгартишларни киритиш таклиф этилмоқда.

Хусусан, “аванс” сўзини “бўнак”, “маркировка”ни “тамғалаш”, “маршрут”ни “йўналишли”, “светофор”ни “йўлчироқ”, “пароль”ни “ўрон”, “прогрессив” сўзини эса “илғор” деб ўзгартиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ҳужжатларидаги тушунча ва юридик атамаларни бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласи устидан назорат кучайтирилади

Депутатлар томонидан **“Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан наркотиклар, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини, шунингдек, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасини комплекс тартибга солиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, соҳада қўлланилаётган “наркотиклар”, “наркожиноят”, “нарковазият”, “гиёҳвандликка қарши курашиш”, “наркожиноятларга қарши курашиш”, “ғайриқонуний нарколаборатория” каби тушунчаларга ҳуқуқий таъриф бериш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасида наркотиклар, кучли таъсир қилувчи моддалар ва прекурсорлар муомаласини назорат қилиш ҳамда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Жумладан, соҳадаги давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Наркотиклар устидан назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ҳужжат билан наркожиноятларнинг янги, айниқса, интернет тармоғидаги усулларига қарши курашиш, ноқонуний нарколабораторияларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи каналларини бартараф этиш бўйича тезкор-қидирув ва бошқа чораларни амалга ошириш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ вазифалари ҳам белгиланмоқда.

Шу билан бир қаторда, профилактика йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, масъул давлат органлари ва ташкилотларига аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантиришга, таълим муассасаларида наркотиклар тарқалишининг олдини олишга, наркологик ёрдам, профилактика, диагностика, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар юклатилмоқда.

Бундан ташқари қонун лойиҳасида наркожиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қаратилган янги механизмлар назарда тутилмоқда. Жумладан, наркожиноятга йўл қўйган ёки наркожиноятлар натижасида олинган даромадларни легаллаштириш мақсадида молиявий операцияларни амалга оширган юридик шахсни суд қарорига асосан тугатиш мумкинлиги белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Фуқароларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилади

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — фуқароларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.




Қонун лойиҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган учта муҳим янгилик назарда тутилмоқда. Жумладан, оила аъзолари ва яқин қариндошлари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини қўллаш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинмоқда.

Яъни эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, бува-буви ва неваралар, шунингдек, ака-ука ва опа-сингиллар бир-бирининг уй-жойига рўйхатдан ўтаётганда хонадон майдони белгиланган меъёрдан кам бўлса ҳам, бу ҳолат рўйхатдан ўтишга тўсқинлик қилмаслиги назарда тутилмоқда. Бу эса, оила аъзолари ва яқин қариндошларни бир манзилда рўйхатдан ўтказишни енгиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган талабаларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий механизм жорий этилиб, уларни рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси қўлланилмаслиги ҳам белгиланмоқда. Бу эса, олий таълим муассасаларида талабаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Ваколат доирасидан четга чиқиш

## қонуний жавобгарликка сабаб бўлди

***Қонун устуворлиги таъминланган жамиятда ҳар бир давлат хизматчиси, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими ўз фаолиятида қонунга таяниши, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиши шарт.***

Чунки ваколат доирасидан четга чиқиш, қонун талабларига беписандлик билан қараш муқаррар жавобгарликка сабаб бўлади.

Буни қуйида баён этиладиган воқеа мисолида ҳам кўриш мумкин.

Суд ҳужжатларида баён этилишича, уч нафар профилактика инспектори қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқиб, фуқарони асоссиз ушлаб туриш, унга нисбатан зўрлик ишлатиш, оғир тан жароҳатлари етказиш ҳамда содир этилган ҳаракатларга қонуний тус бериш мақсадида сохта ҳужжатлар расмийлаштиришда айбдор деб топилди. Воқеа, аслида, шундай бошланган: жабрланувчи Абдимутал Бўтаев (исм-шарифлар ўзгартирилди) ва унинг турмуш ўртоғи ўртасида муқаддам оилавий низолар бўлиб турган.

(Давоми 6-бетда) ▶

# одоби ундан азиз

*ёки вояга етмаганларга автомобилни топширишнинг фожиали оқибатлари ҳақида*

Ёки Самарқанд туманидаги мактаблардан бирининг 11-синф ўқувчиси отасига тегишли «Ласетти» русумли автомашинани уйдагиларга айтмасдан кўчага ҳайдаб чиққан. Катта тезликда бошқариб бораётган чоғида қўл телефонига келган хабарни ўқишга чалғиган ва автомашина бошқарувини йўқотиб, йўл четига ағдарилган. Худди шу жойда кетиб бораётган пиёда С.Турсунов ҳодиса оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Иштихон туманида эса, вояга етмаган У.Рўзиев «Дамас» русумли автомашинани ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган ҳолда бошқариб, йўл ҳаракати қоидаларининг қатор талабларини қўпол тарзда бузган.

Фуқаро И.Хурсандовни автомашинанинг олд қисми билан уриб юбориб, унинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлган.

Юқорида баён этилган воқеалар вояга етмаган шахсга автомобиль калитини бериш — фақат ишонч эмас, катта хавф эканини кўрсатади.

Аксарият ҳолларда вояга етмаган шахс автомобилни ота-онаси, қариндоши, таниши ёки дўстининг розилиги билан бошқаради. Баъзан эса, калит ва автомобиль назоратсиз қолади ёки “ҳовлида ҳайдаб кўрсин”, “маҳалла ичида айланиб келсин” деган енгил қараш билан иш тутилади.

Қонунчиликдаги янги ёндашув айнан шу лоқайдликка қарши қаратилган. Агар транспорт воситаси вояга етмаган шахсга топширилса ва бунинг оқибатида оғир шикаст, одам ўлими ёки бошқа оқибатлар юзага келса, масъулият масаласи фақат вояга етмаган шахс билан чекланмаслиги керак.

Бу ўринда транспорт воситаси эгасининг ҳаракати ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши лозим: у рулни кимга берганини билганми, ҳайдовчилик ҳуқуқи йўқлигини англаганми, хавфни кўра олганми, эҳтиёт чорасини кўрганми? Агар у бундай хавфни била туриб, транспорт воситасини топширган бўлса, оқибат учун жавобгарлик масаласи кун тартибига чиқади.

Айтиш керакки, юқорида қайд этилган қонун лойиҳасида автомобилни олти ойдан бир йилгача вақтинча олиб қўйиш чораси ҳам назарда тутилмоқда. Бу чоранинг мақсади фақат жазолаш эмас, балки хавф манбаини вақтинча бартараф этишдир.

Айрим ҳолларда жарима қўллаш ҳам кутилган самарани бермайди. Айниқса, қоидабузарликни қайта-қайта содир этаётган, ҳуқуқи бўлмаган шахсларга автомобилни бошқаришни бераётган ёки ноқонуний пойгаларда иштирок этаётган шахслар учун фақат пул жаримаси етарли профилактик таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Шу нуқтаи назардан, автомобилни вақтинча олиб қўйиш чораси ҳуқуқбузар учун ҳам, бошқа фуқаролар учун ҳам огоҳлантирувчи аҳамиятга эга. Бу, бир томондан, қоидабузарликни такрорлаш имконини чекласа; иккинчи томондан, “автомобиль — шахсий мулк, хоҳлаганимга бераман” деган беписанд қарашга ҳуқуқий чек қўяди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигида жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки йўлдаги ҳар бир қоидабузарлик бир вақтнинг ўзида бошқа инсон ҳаётига хавф туғдиради. Қоидабузарликнинг оғирлиги эса, унинг оқибатида намоён бўлади.

Вояга етмаган шахсга транспорт воситасини топшириш ҳам шундай. Бир қарашда, бу ҳолат оддий маъмурий қоидабузарликдек кўриниши мумкин. Аммо агар шу бола транспорт воситасини бошқараётиб, одам уриб юборса, бошқа автомобиль билан тўқнашса ёки йўловчилар ҳалок бўлса, бу ҳолатнинг ижтимоий хавфи кескин ортади.

Шунинг учун қонун лойиҳасида маъмурий ва жиноий жавобгарлик ўртасидаги чегара оқибат билан боғланмоқда. Яъни оддий ҳолатда — маъмурий жавобгарлик; оғир шикаст, ўлим ёки бошқа оқибатлар юз берса, жиноий жавобгарлик масаласи қўйилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, бир қатор муҳим натижаларга эришилади. Яъни:

***биринчидан,*** вояга етмаганларга транспорт воситасини бошқаришни топширишга нисбатан ҳуқуқий муносабат қатъийлашади;

***иккинчидан,*** транспорт воситаси эгалари ва ота-оналарнинг масъулияти ошади;

***учинчидан,*** ноқонуний автопойгалар, йўл безорилиги, маст ҳолда бошқариш ва ҳуқуқсиз шахсларга автомобилни бериш каби қўпол қоидабузарликларга нисбатан таъсирчан чоралар кучаяди;

***тўртинчидан,*** йўлларда инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган профилактик таъсир ошади;

***бешинчидан,*** қоидабузарлар учун жаримани чегирма билан тўлаш имкониятини чеклаш орқали “жарима тўласам бўлди” деган енгил қарашнинг олди олинади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Балки кўриб туришгандир? Балки Яратганнинг ўзидан менга шифо тилашаётгандир? Уларнинг илтижолари билан, қизим, сенинг, опангнинг илтижолари билан Худо менга шифо бераётгандир? Ажаб эмас, шундай бўлса!

Дада, ойи! Жойларингиз жаннатда бўлсин. Ҳар куни Худодан мен шуни сўрайман. Қандай фарзанд эдим сизларга, фарзандлик бурчимни қандай адо этдим? Буни сизлар, ўзингиз биласизлар. Худо билади. Аммо мен сизлардек отам, онам бўлганидан фахрланаман.

Умида, қизим, сен бувангни билмайсан. Лекин оз бўлса ҳам, бувингни кўргансан. Унутма уларни. Улар яхши одамлар эди. Ҳалол меҳнат билан яшашди, бировнинг ҳақига хиёнат қилишгани йўқ, қўлларидан келганича одамларга яхшилик қилишди. Бизни, яъни мен — дадангни, амакинг, аммаларингни ўқитишди, покиза, ҳалол яшашга ўргатишди.

Ойимларни ҳам худди холам сингари маҳалла-кўйдагилар, олис-яқин қариндош-уруғлар «отин» дейишарди. Эски ўзбек алифбосини, лотин алифбосини яхши билардилар. Шу ҳарфлар билан терилган китобларни шариллатиб ўқиб ташлардилар. Яхши овозлари бор эди.

Ойимларнинг аллаларини ҳам мен мароқ билан эшитардим. Бир ашулалари сира эсимдан чиқмайди. Мен уни кейинчалик, катта бўлганимда, тикламоқчи бўлдим, аммо ҳеч кимдан суриштириб билолмадим. Мана ўша ашуланинг бир банди:

*Оқди-я, оқди, Омилахон оқди,*
*Ҳасан-Ҳусанлар билан сойларда оқди.*
*Оқди-я, оқди, Омилахон оқди,*
*Чилвир-чилвир сочлари*
*балчиқда қалқди.*

Китоб ўқиб ўтириб, ёки кўрпа қавиб ўтириб, баъзан шу ғамгин, алам, дардга тўла ашулани айтардилар. Энди биламан, бундай ашула бўлган эмас, бу халқнинг оғзидаги терма эди. Ким билади, балки ойимнинг ўзлари уни тўқигандирлар? Оҳанги ҳам дилни эзадиган, биронта бошқа ашула оҳангига ўхшамасди. Минг афсус, овоздан қолганман, бўлмаса айтиб берардим. Қулоғим остида янграб турибди, аммо айтолмайман.

*Тарих тилсимлари*

# ҚИЗИМГА мактублар

Мен ойимни саводсизлиги тугатиш курсига қатнай бошлаган пайтларидан бошлаб эслайман. Ўшанда, демак, уч-тўрт ёшли бола эдим. Курс кўчамизнинг охиридаги клубда жойлашган эди. Ойим мени ҳам олиб борардилар. У ерда беш-ўнта қизга эски ўзбек тилидан ўргатардилар, ўзлари эса бошқа курсга кириб, лотин алифбосини ўрганардилар. Шу клубдан бир муюлиш нарида Миробод бозорининг дарвозасидан берироқда Абдулла Авлонийлар уйи жойлашган эди. Мен кўп вақт ойим билан, баъзан дадам билан шу уйга келиб турардик. Ойимларнинг айтишларича, Абдулла Авлоний уларга шахматни ўргатган, ёзув-ўқувларидан ҳам хабардор бўлиб турган. Аммо мен Абдулла Авлонийни кўрмаганман. Дадам томонидан бу буюк маърифатчи олим, шоирнинг қандайдир қариндошлиги бор, дейишади. Лекин гап бунда эмас. Абдулла Авлоний бутун ўзбек халқининг қариндоши, фахри ва унутилмас фарзандидир.

1988-1989 йиллар Кенжа Авлоний, Бегали Қосимов ва мен Мирабод маҳалласида Абдулла Авлонийдан ёдгорлик сифатида уйини бир музейга айлантириш фикри билан юқори идораларга мурожаат қилдик. Аммо уйини сақлаб қолиш имконияти бўлмади. Йўл тушиши керак экан. Шунда мен бошқа таклиф, анчайин маъқул бўладиган таклиф киритдим. Абдулла Авлонийнинг бутун мирободликлар ўқиган қиркинчи мактабни очишда хизматлари катта бўлган. Шу муносабат билан мактабнинг янги тушаётган биносида Абдулла Авлоний музейини ташкил этиш ва шаҳар кўчаларидан бирига унинг номини бериш таклифини Тошкент шаҳар ижроия комитетига киритдим. Шаҳар раҳбарлари бу таклифни қабул қилишди. Назаримда, ҳозир шундай қилиняпти, соғ бўлсам, Тошкентга қайтганимда суриштираман, мактабни бориб кўраман.

Абдулла Авлонийникида улуғ одамларнинг йиғилиб туришлари қариндош-уруғ, таниш-билишларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Масалан, дадам адабиётдан четда бўлишларига қарамай, адабиёт, санъатга меҳр қўйганлар, санъаткор, ёзувчилар билан яқин муносабатда бўлганлар. Юнус Ражабий, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Ғафур Ғулом, Карим Мўминов ва бошқа бир қанча адиб, санъаткорлар бизникида тез-тез бўлиб туришарди. Мендаги адабиётга ҳавасни сезиб, дадам бир куни Ҳамза Ҳакимзода билан яқин таниш бўлганларини гапириб берганлар.

Абдулла Авлонийникида Ҳамза «Бой ила хизматчи» пьесасини қўйиш ҳақида гапириб турганида, дадам кириб қолади. Шунда Ҳамза уларни кўриб:

— Ана, Солиҳбой! — деб юборибди.

Гап нима ҳақда кетаётганини тушунтиришгандан сўнг дадам қатъий бош тортадилар. Лекин кийинтириб кўришади. Кийинтиришади-ю, шу заҳоти айнишади. Солиҳбой юмшоқ чеҳрасидан нур ёғилиб турган бой бўлиб қолади.

Анвар акам фожиали ҳалок бўлгунга қадар оиламиз жуда бахтли эди. Дадам соғ-саломат эдилар, ишлари яхши эди. Акам медицина институтига кирадиган, мен мактабга борадиган бўлиб турган эдик. Бирдан кутилмаган даҳшатли воқеалар бошланиб кетди. Энди аниқ тасаввур қиляпман, жуда катта ташвишлар оиламиз бошларига тушди. Сенга, қизим, оиламиз бир кунлик иш тартибларини айтиб берсам, кўп нарса равшан бўлади. Ғира-ширада туриб сигирларни соғардилар. Сузиб, бидонларга солиб, сотгани олиб кетардилар. Қайтишда Мирабод ёки Туркман бозорига кирардилар, нонуштага нон, озгина ширинлик — ҳолвами, шинними олиб келардилар. Дадамни ишга жўнатиб, қолган сутларни пиширардилар ва қатиқ солардилар. Агар уйда сариёғ тугаган бўлса, кувада сариёғ қилардилар. Шу билан тушликка етишарди. Бизни мактабга жўнатиб, молларга ем-емиш берардилар. Шундан кейин кир ювишга ё ямоқ ишларига ўтирардилар. Ҳовлида талайгина экин, гул бор эди. Биз ўқишдалик пайтимизда уларни суғориш, тагларини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш ҳам у кишининг бўйнида эди. Улардан қутулиб, кечқурунги овқатга уннардилар.

***(Давоми келгуси сонда)***

Мулоқот

# Савол беринг, жавоб берамиз

***— Айтинг-чи, суд мажлисида тартибни бузиш ёки судга нисбатан бошқача тарзда ҳурматсизлик қилиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?***

**К. РАҲИМОВ,**
*Сардоба тумани*



— Сизнинг бу саволингизга Фуқаролик процессуал кодексининг 150-моддасидан жавоб топиш мумкин. Яъни суд мажлисида тартибни бузган ёки судга бошқача тарзда ҳурматсизлик кўрсатган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Судга нисбатан ҳурматсизлик гувоҳнинг, даъвогарнинг, жавобгарнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки ушбу шахсларни ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси вақтида тартибни бузишида намоён бўлади.

Судга ҳурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида ушбу ҳуқуқбузарликни содир этилган суд мажлисининг ўзида алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмасдан судья (суд таркиби) томонидан ҳуқуқбузарга дарҳол эълон қилинади. Мазкур факт суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди.

Судга ҳурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланган шахс, шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ўз тушунтиришларини беришга ҳақли.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор раислик қилувчи томонидан иш бўйича суд мажлиси тугагандан сўнг алоҳида хонада (маслаҳатхонада) тузилиб, судья (суд таркиби) томонидан имзоланади.

Агар судга ҳурматсизлик суд мажлисида кўрсатилган ва ҳуқуқбузар суд мажлиси залини тарк этган бўлса, судга ҳурматсизлик суд мажлисидан ташқарида кўрсатилган бўлса, шунингдек, суд мажлисига келишдан бош тортганлик аниқланса, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) ёки суд раисининг ёхуд суд мажлисида раислик қилувчининг оғзаки фармойишига асосан бошқа суд ходими томонидан тузилади ва бу ҳақда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада кўрсатилади.

***— Эмансипация ибораси қандай маънони англатади? Илтимос, шу ҳақда тушунтириб берсангиз?***

**Ш. РАЗЗОҚОВ,**
*Шовот тумани*



— Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш, яъни эмансипация ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

**Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро суди судьяси Сунбула УМАРОВА жавоб берди.**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Ваколат доирасидан четга чиқиш

## қонуний жавобгарликка сабаб бўлди



◀ (Бошланиши 5-бетда)

Ана шу низолар юзасидан профилактика инспектори сифатида Низом Пирназаров тегишли профилактик чораларни кўриб келган.

Вақт ўтиши билан А.Бўтаевнинг кўнглида негадир турмуш ўртоғи ва профилактика инспектори ўртасида қандайдир муносабат бор, деган гумон пайдо бўлади.

2025 йил 14 август куни кечки пайт А.Бўтаев ўзи истиқомат қиладиган маҳалла ҳудудидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шоҳобчаси ёнида Н.Пирназаровни кўриб қолади ва кўнглидаги шубҳа яна бош кўтаради. Бунинг сабаби ҳам бор эди.

Чунки Н.Пирназаровнинг иш ўрни ўзгарган, бошқа туманга профилактика нозири этиб тайинланганди. Аммо янги иш жойида бўлиш ўрнига бу атрофда юргани А.Бўтаевнинг эски «дарди»ни яна оловлантиради. Чидаб туролмасдан собиқ профилактика инспекторидан яна эски масалага ойдинлик киритишни талаб қилади.

Н.Пирназаровнинг кўнглига эса, А.Бўтаевга нисбатан ғаразли ўй пайдо бўлади ва ундан ўч олиш нияти туғилади. Вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш ўрнига, уни ҳуқуқбузар сифатида кўрсатиш ва суд орқали маъмурий қамоққа ҳукм қилдириш ҳаракатига тушади.

Бунинг учун аввал бирга ишлаган профилактика инспектори Иньомжон Келдибековга қўнғироқ қилади. А.Бўтаев пичоқ кўтариб, таҳдид қилаётганидан ёзғиради ва ундан ёрдам сўрайди.

Кейинроқ Н.Пирназаровнинг илтимосига кўра, И.Келдибеков ва яна бир профилактика инспектори Муҳиддин Холбеков ҳам ички ишлар бўлими маъмурий биносига етиб келади. Улар учрашгач, Н.Пирназаров А.Бўтаевга нисбатан майда безорилик ва ички ишлар ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик каби ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни маъмурий қамоққа ҳукм қилдиришда амалий ёрдам беришни сўрайди.

Шундан сўнг у А.Бўтаевга қўнғироқ қилиб, Наманган шаҳар 1-сонли ИИБ маъмурий биноси олдига етиб келишини буюради. У келгач, ичкарига мажбурлаб олиб киришади. Унинг ёнида ўткир тиғли жисм борлиги важи билан шахсий тинтув ўтказилади. Бироқ А.Бўтаевнинг ёнидан ҳеч нарса топилмайди.

А.Бўтаев ўзини асоссиз ушлаб, тинтув қилинаётганига эътироз билдиради. Аммо унинг бу эътирози фаол қаршилик кўрсатиш сифатида баҳоланади. Шундан сўнг унинг қўлларини орқасига қайириб, видеокузатувдан четда бўлган "Фуқароларни қабул қилиш хонаси"га олиб боришади.

Хонада бу воқеаларга гувоҳ бўладиган ҳеч ким йўқ эди. Шу сабабли А.Бўтаевни айнан шу хонада уриб-дўпполашган. Бунинг оқибатида унга ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари етказилган. Бу суд-тиббий экспертиза хулосасида ҳам қайд этилади.

Шундан сўнг А.Бўтаевни қўйиб юборишган бўлса керак, деб ўйлаяпсизми? Йўқ, энди жабрланувчининг эркинлигини чеклашга киришилган. Суд ҳужжатларидан маълум бўлишича, 2025 йил 14 август куни соат ўн саккиздан бошлаб тўрт ярим соат жабрланувчи қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда ушлаб турилган.

Қолаверса, Н.Пирназаров жабрланувчи юқори турувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга шикоят қилмаслиги ёки тиббиёт ходимларига айтиб қўймаслиги чораларини ахтарган. Жабрланувчини дастлаб Поп, кейин Косонсой туманларига, гўёки ўз хоҳиши билан дам олишга чиққан қилиб бирга олиб юрган.

Профилактика инспекторининг хизмат хонасида айбсиз айбдорга нисбатан тайёрланган сохта ҳужжатларга мажбурлаб имзо қўйдирилади. Шундан сўнг А.Бўтаев аслида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса-да, унга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар мазмунан кўриш учун судга тақдим этилади.

Бироқ жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди ушбу маъмурий материалларни кўриб чиқиб, тўпланган ҳужжатларда камчиликлар мавжудлиги учун қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш учун қайтаради.

Бу томонда эса, олган оғир тан жароҳатлари туфайли А.Бўтаевнинг соғлиғи кун сайин оғирлашиб бораётганди. Судда мақсадларига етолмагач, 2025 йил 16 август куни судланувчилар А.Бўтаевни Наманган шаҳридаги «Марҳабо шифо» хусусий шифохонасига ётқизишади.

Бундан А.Бўтаевнинг онаси ва бошқа яқин қариндошлари хабар топгач, оғир аҳволдаги беморни Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиалига ётқизишади. Шифокорлар томонидан кўрсатилган малакали тиббий ёрдам натижасида жабрланувчининг ҳаёти сақлаб қолинади.

Судда аниқланган яна бир муҳим ҳолат — судланувчилар содир этган ҳаракатларига қонуний тус беришга уринилганидир. Бу билан улар ўзларининг зўравонлик ҳаракатларини яшириш, жабрланувчини айбдор шахс сифатида кўрсатиш ва уни маъмурий қамоққа тортилишига уринишган. Ҳужжатларга ёлғон маълумотлар киритилиши, ҳақиқий ҳолатнинг бузиб кўрсатилиши ва сохталаштирилган материалларни судга тақдим этишга ҳаракат қилиниши одил судловга қарши жиноят сифатида баҳоланди.

Суд жараёнида жабрланувчи А.Бўтаев дастлабки терговда берган кўрсатмаларини тасдиқлади. Қайд этилган далиллар бир-бирини тўлдириб, воқеа тасодифий жанжал эмас, балки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, зўрлик ишлатиш ва кейин уни яширишга уриниш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар занжиридан иборат эканини кўрсатди.

Суд иш ҳолатларини ўрганиб, Н.Пирназаров, И.Келдибеков ва М.Холбоевнинг ҳаракатларига Жиноят кодексининг бир нечта моддалари бўйича ҳуқуқий баҳо берди. Улар бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, далилларни сохталаштириш ва қонунга хилоф равишда ушлаб туришда айбдор деб топилди.

Суд ҳукмига кўра, ҳар учала судланувчи 3 йил муддатга ички ишлар идоралари тизимида, шунингдек, давлат корхона, муассаса ва ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Суд Н. Пирназаровга 7 йил, И. Келдибековга 6 йил, М.Холбоевга 5 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Суд, шунингдек, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтирди.

Хулоса шуки, қонуний ваколат адолатни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун берилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларига жиддий зиён етказган, мансаб ваколатидан четга чиққан ва ўз қилмишини сохта ҳужжатлар билан яширишга уринган ҳар қандай шахс қонун олдида жавоб беради. Адолатнинг асосий мезони ҳам шу: ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир шахс қонун олдида тенгдир.

**Шуҳрат ХУДОЁРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди судьяси*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*«Куч – адолатда» мухбири*

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Робахон МАХМУДОВА
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Замира ЭСАНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 2917
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $20^{00}$. Топширилди: $2^{50}$.